

Занжирбанд холда Жориберд калъасида сакланаётган Шарафулмулк хузурига беш нафар жаллод келдию, унга шохнинг фармонини кўрсатди. Хоразмшох Жалолиддин Мангуберди ўз фармонида вазири Шарафулмулкни катл этишга хукм килганди.

— Бўгиб ўлдирайликми ёки бошингни узиб ташлайликми, ўзинг танла,—деди бош жаллод вазирга.

— Сизлар учун бўгиб ўлдириш осон бўлса керак, — жавоб берди Шарафулмулк.

— Биз учун иккаласиям осон, асосийси, сени ўлдириб, шох фармонини бажармок лозим, — сўйлади жаллодлардан бири.

Ўзи рози бўлгани учун бешта жаллод вазирни бўгиб ташлашди. Шарафулмулкни тинчтитдик, деб жаллодлар бироз калъни айланиб, мархумни кафанлаб кўмайлик, деб келишса вазир ўлмаган экан. Шундан кейин улар вазирни ўлдириш учун бошини танасидан жудо килиб, шох олдига олиб кетдилар. 1230 йилда Арон вилоятининг Жориберд калъасида ўлдирилган вазир хакидаги хабар бутун салтанатга таркалди. Халк вазирни жиноятига яраша жазолашибди, дея эркин нафас олди.

Зоро, Шарафулмулк халк назарида энг кари тулки, зулму ситамни авжига чикарган, порахўрлик боткогига ботган вазир эди. У Хоразмшох Аловуддин Мухаммад (1200-1220) даврида Жанд вилоятининг хокими бўлиб, халкка кўп зулм ўтказгани, устидан кўплаб шикоятлар келгани учун султон уни ишдан бўшатиб, ўтда куйдиришга буйрук берганди. Ўлимга хукм килинган хоким иложини топиб кочишига эришади.

Гоят хийлакор, кўринишию, гап-сўзидан жуда мўминкобил Шарафулмулк Жалолиддин Мангубердининг шохлик давридан олдин хожиблиқ, сўнг вазирлик лавозимига эришади. Мўгулларга карши тинимсиз жанглар билан машгул Мангуберди кекса вазирнинг гап сўзларига ишониб, уни маҳсус текшириб ўтирганди. Аммо вакт ўтиб, Хоразмшох Жалолиддин уни вазирликка тайнинлаб, хато килганини тушуниб етади.

Тарихчи Насавийнинг ёзишига кўра, «Шарафулмулк учун пул хеч бир кийматга эга эмасди. Усулсиз бир шаклда пора олар ва лаёкатсиз кимсаларга таркатиб, исроф киларди. Унинг ёзув-чизувга хуши йўк. Маълумоти етарли бўлмаган ва давлат арбоби билиши лозим бўлган илмлардан тамоман бехабар эди. Форсчани бир сатр хам тўгри ёзаолмас, кўп хато киларди».

Бирок гоятда айёр вазир олиму сайidlарни хурмат килган бўлиб, бехисоб молу-мулкидан тиллалар бериб, улар ишончини козонишга интиларди. Баъзиза уламою, сайidlар олдида ваъз эшитган, Куръон ўкилган кезлари кўзларидан ёш тўкиб, ўтирас, Жалолиддин туркий хукмдор бўлгани сабаб, олдига келган хар бир туркийга яхши муомила киларди. Булар айёр вазирнинг юзаки иши бўлиб, асл башарасини никоблаб кўрсатиш учун эди. Уни якиндан биладиганлар Шарафулмулкни саботу диёнатсиз киши деб билар, айтилган гап-сўзларига ишонмасдилар.

1221 -1231 йилларда Жалолиддин мўгуллар билан урушда гоҳ енгиб, гоҳ маглубиятга учраб, ўзга элларда юрганида, Шарафулмулк «Мангуберди энди тамом бўлди, шу боис бирор жойга хукмдор бўлиб, унинг салтанатидан узоклашмок лозим» деган максадни олдига кўйди.

Муаллиф:  
12.09.2013 21:02 -

Айникса, Яссичамавдаги айюбийларга карши ва Мукондаги мўгулларга карши жангда Жалолиддин енгилганидан сўнг вазир Хоразмшохдан бутунлай узоклашишга карор килди. У Онадўлидаги салжукийлар султони Аловуддин Кайкубодга ва Шомнинг айюбий хукмдори Малик Ашрафга мактуб йўллаб, агар Озарбайжонни беришса, уларга вассал бўлиб, Жалолиддиннинг муҳим давлат сирларини айтишини маълум килади. Айни пайтда туркман бекларидан Хусомиддин Килич Арслонга хам 1229 йили мактуб йўллаб, «Жалолиддиннинг куни битгани, ўзининг якин кунларда Озарбайжонга хукмдор бўлишини, шу боис, Хоразмшохнинг хазинасию ҳарамини ўзи учун саклаб туриши»ни маслаҳат берганди.

Бу вактга келиб Шарафулмулкнинг золимлигию, порахўрлиги тўгрисидаги ҳалкнинг шикоятларию, жосуслар ахборотлари Жалолиддинга тинимсиз кела бошлаганди. Хатто, Хуй вилоятида салжукий беклардан Тўгрул ибн Арслоннинг кизи ва саройдаги канизакларнинг номуси Шарафулмулк томонидан топталгани ҳакидаги хабар текширилганида, рост бўлиб чиккани Жалолиддиннинг газабини келтирди. Айни пайтда Хоразмшохнинг жосуслари Шарафулмулкнинг хиёнаткорона тарзда Кайкубод, Ашраф, Хусомиддинга йўллаган мактубларини кўлга киритадилар.

Буларнинг барчаси Жалолиддиннинг жаҳлини чикариб, ҳалк олдида салтанат обрўсини тўкаётган вазирини жазолашни маъкул топди. Бу орада Табриз вилоятида очлик таҳликаси пайдо бўлиб, жосуслар айни махалда Шарафулмулк омборида моллар тикилиб ётганини етказадилар. Хоразмшох Жалолиддин фармонига кўра, вазирнинг омборлари очтирилиб, бор махсулотлари ҳалкка таркатилади. Очлик таҳликасидаги табризликларга вазирнинг омборларидағи махсулотларни таркатишга бир хафта вакт кетди. Бу хол бехисоб молу-дунё тўплаган хиёнаткор вазирни катл этмок керак, деган Жалолиддин фикрини катъийлаштириди. Натижада вазир Арон вилоятидаги Жориберд калъаси кўмондони Самлон Силк томонидан 1230 йилнинг охирларида хибсга олинди. Ҳалкка бехисоб зулм ўтказган, мансабидан фойдаланиб, сон-саноксиз молу-мулк тўплаб, якинлари орасида Ҳўжатош (кимматбаҳо тош) лакабига эга бўлган вазир Шарафулмулкнинг куни шу ерда тугади.

Ўтда куйдирилишдан, бўгиб ўлдирилишдан омон колган вазир учинчи марта калласи танасидан жудо килиниб ўлдирилди.

Умид Бекмуҳаммад